

ANVAR SHUKUROV

T

TOVUSHNING  
TOVLANISHI

Тамаддун  
тахтиравонидан  
тўсатдан топилган  
товуш тилсими  
тўғрисида  
тазкира

Анвар Шукуров

**«Т» ТОВУШИНИНГ ТОВЛАНИШИ**  
**(ЭССЕ)**

Тошкент  
«CHASHMA PRINT»  
2012

УДК: 821.512.133(09)

КБК: 83.3(5Ў)

Ш91

**Нашр учун масъул:**  
филология фанлари доктори, профессор  
**Самихон Аширбоев,**

**Т а қ р и з ч и л а р:**  
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи таржимон

**Ҳабибулло Зайниддин**

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Сирожиддин Рауф**

Давлат ва жамият қурилиш бошқаруви магистри

**Бахтиёр Ашурович Хушвақтов**

ISBN 978-9943-350-82-3

© «CHASHMA PRINT» МЧЖ нашриёти, 2012 й.

© Анвар Шукуров, 2012 й.

## Кириш

... Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз.

...Ўзбек номи қачон пайдо бўлган? Совет тарихшуносларининг ёзишича, гўё XVI асрда бизнинг заминимизни Дашти Қипчоқ хонлари ишғол қилгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннаҳр деб атайдиган икки дарё оралиғида унгача ҳам халқ яшаган-ку! Ёки бу халқ бошқа миллат бўлганми? Мантиқ қани бу ерда?

...бизда довурак, замонавий фикрлайдиган олимлар етишмайди. Мен академик Яҳё Ғуломовни яхши билардим. У мустақил фикрга эга бўлган, керак бўлса, энг юқори лавозим эгасига ёқмайдиган тўғри гапни дадил айта оладиган олим эди... Бу фазилати туфайли тазйик кўрганини ҳам эшитганман. Лекин адолатни ҳамма нарсадан устун билган, ватанпарвар одам шундай бўлади. Ана шундай одамлар ҳаёти бизга ибрат мактаби бўлмоғи лозим.

... Энди икки оғиз сўз оммавий ахборот воситалари орқали тарих мавзусини ёритиш ҳақида. Бизнинг матбуотимиз, телевидениемиз ҳам тарихга оид мақолалар чоп этганда, кўрсатувлар тайёрлаганда **бир кишининг фикрини ягона ҳақиқат сифатида қабул қилинишига йўл қўймаслиги** даркор. Муайян масалада турли фикрларни бериш, баҳс орқали ҳақиқат ойдинлашувига эришиш лозим. Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак. Чунки, биз шаклантираётган жамиятимиз мафқураси ҳам тарих булоқларидан озикланади.

И.А.Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналі 1998 йил 5-сон).

## СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Мамлакатимиз Президентининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журналінинг 1998 йил 5-сони)ни қайта, энди синчиклаб ўқиб чиқишга тўғри келди. Асар бундан деярли 15 йил муқаддам ёзилган бўлса-да, ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Тарихимиз, халқимизнинг ўтмиши ҳақида куюнчаклик билан айтилган гаплар ҳар бир ўзбек зиёлисининг қалби қат-қатига ўрнашиб қолади.

Тўғриси, бу асарни аввал ҳам ўқиганман. Лекин, у пайтда менинг ватанпарварлик, халқпарварлик, миллий ғурур, буюк ўтмиш тарихимиз ва қурилажак келажак ҳақидаги тушунчаларим ўта саёз бўлган экан.

Мен тарихчи ҳам, филолог ҳам эмасман. Тарих ёки филология фанлари илмий унвонларига ҳам даъвогарлигим йўқ. Ушбу асарим халқимизнинг миллий ғурурини кўтариш ниятида бадиий публицистик, тарихий илдишларимиз ҳақидаги мушоҳадаларни ўзида жамлаган эсседир. Аммо, асарни яратиш бобида тилшунослик ва тарих фани бўйича бир неча мустақил хулосаларга келдим.

Биринчиси, икки талаба шогирдим билан ўзбек тилшунослиги тарихида ҳали қилинмаган бир ишни қилдик. «Ўтмоқ» феълининг 175.400 та шаклини ясадик. Қўйиб берса, бу шаклларни 500.000 тага ҳам етказиш мумкин эканлиги ҳақида хулосага келдик. Бу нимадан

далолат беради? Бу ўзбек тилининг қадимийлигидан далолатдир. Филология фанида барча тиллар битта - боботилдан тарқалган деган назария бор экан. Фикримча, бу назарияни қайтадан кўриб чиқиш вақти келган. Чунки, мен ушбу асаримда ҳиндевропа тиллари оиласига кирувчи европа халқлари тилларидаги асосий элементлар қадимги туркий тилдан олинганлиги ҳақидаги ғояни илгари сурмоқдаман.

Иккинчиси, тарих фанига оид ҳозирги ўзбек халқининг аждодлари қачондан бошлаб ўтроқ ҳаёт кечири бошлаган?-деган саволга жавоб. Бу жуда қадимда рўй берган. Дунёдаги топонимларнинг қайси жой номи охирида «Кент», «Тепа», «Лик», «Кўрғон», «Қалъа» сўзлари бўлса, бу сўзлар ўтроқ ҳаёт, шаҳарни англатган.

Асар ёзилишига бўлган биринчи туртки, ўзимнинг нега «ўзбек» деб аталишим борасида, «фанда яқдил хулоса мавжуд эмас» деган қатъий фикр бўлди. Шундан сўнг, ўзимизда бор маълумотларни Миллий Энциклопедиядан йиға бошладим. –Тарихий илдизларимиз кимлар эканлиги ҳақидаги изланишларим тарих фани услубларига ҳам, тилшунослик фани услубларига ҳам тўғри келмас, балким. Ўқиган билганларимни суҳбатларда «чархлаб» олдим. Кейин мантиққа асосланиб, «Ўзбек» атамасининг келиб чиқиши ҳақида рисолача ёздим.

Кейин билсам, меникига ўхшаш асар яратилиши мумкинлиги ҳақидаги башоратни Юртбошимиз юқорида биз таъкидлаган асарларида билдирган эканлар.

Бу гапни айтишни биров кейинга сурсак-да, Президентимизнинг ўша асарда «ўзбек» номи ҳақидаги жавоб сифатида шуни айтиш мумкин-ки, менимча «Ўзбек» атамасини Ўзбекхон билан боғлаб бўлмайди. Бу сўз пайдо бўлганига 4000 йилдан ошган.

Мен асарни эълон қилганимдан сўнг, билдимки, юртимизда яшаб ижод қилган олимларимиздан икки киши Ўзбек сўзининг Ўғиз-бек сўзлари кўшилишидан пайдо бўлиши мумкинлигини айтган эканлар.

Улардан биринчиси - шоир, адиб, файласуф олимимиз раҳматлик Асқад Мухтор ўзининг «Уйқу қочганда» (Т.-2005й. «Маънавият» нашриёти 8-9-бетлар) асарида, иккинчиси эса архитектура фанлари доктори раҳматлик П.Зоҳидов ўзининг «Рабғузий саодати» мақоласида (Тафаккур журнали 2008 йил 1-сон)шу фикрни айтишган.

Миллатимиз тарихини ўрганиш ўтган асрнинг бошларида авж олади.

Бу ҳақда Президентимиз шундай дейдилар:

...–XX аср бошидаги маърифатчилик ҳаракати ҳақида гапиргандим. Ўша ҳаракатнинг намояндалари бойлик учун, шон-шухрат учун майдонга чиқишдими? Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Фитрат, Таваллоларга мактаб очганлари, халқни ўз ҳақ-хуқуқларини танишга даъват этганлари учун биров маош тўлаганми? Биров уларга ойлик берганми? Албатта, йўқ! Улар ўт билан ўйнашаётганларини, истибдодга қарши курашаётганлари учун аёвсиз жазоланишларини олдиндан яхши билишган. Билатуриб, онгли равишда мана шу йўлдан борганлар. Чунки, виждонлари, иймонлари шунга даъват этган.

Ўша пайтда М.Бехбудий тарихимизга бўлган муносабат ҳақида куюниб бундай ёзади:

«...Бурунги асрларда Туркистон ва турклар воқеоти ва аҳволи ҳақинда туркий, форсий ва арабий тилларда неча китоблар ёзилгандурки, у китоблардан рус ва бошқа оврупоийлар истифода этган ва этмакдадурлар. Лекин у мухталиф (турли-туман) тилларда ёзилган. Тарихий асарлардан биз туркистонийлар истифода этуб, янги

муҳокама ва тадқиқот ила ўз шевамизда мунтазам бир асар вужудга келтирганимиз йўқ».

Лекин, бу ишлар чала қолиб кетди. Мустабид совет тузуми Чор Россиясининг мустамлакачилик қарашларини давом эттириб, ўзлигимизни, ўз тарихимизни ўрганишимизга йўл бермади. Тарихнинг инсон ҳаётидаги, унинг маънавиятидаги ўрни қандай?

Бу борада Президентимиз шундай фикр билдирадилар:

«...Энди асосий масалага ўтсак. Хўш, тарихнинг маънавиятимизда тугган ўрни қандай? Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта, мумкин эмас! Маънавиятини тиклаши, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак.

..Хулоса шуки, олис-олис жойларда халқимиз, мамлакатимиз ўтмиши ҳақида айтилаётган мулоҳазаларнинг аксарият қисми сохта, ғайриилмийдир.

Лекин табиий бир савол туғилади: давлатчилик тарихимиз туб бурилиш палласига кирган бир пайтда ўзимизнинг замон ва макондаги ўрнимизни аниқ белгилаб олишимиз, насл-насабимиз, кимлигимизни билишимиз керакми-йўқми?

Матбуотда ўтмишимизга тааллуқли бирор мақола чоп этилса, бирор бир тарихий асар, хоҳ у илмий, хоҳ бадиий бўлсин, қўлимга тушиб қолса, албатта, ўқиб чиқаман. Сиёсатчидан, арбобдан деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

Ҳаммамиз шу тупроқнинг сувини ичганмиз, нон-тузини еганмиз. Ҳаммамиз ўзимизни ўзбек санаймиз. Ўзбеклигимиздан фахрланамиз, ғурурланамиз. Яқинда Муҳаммад Юсуфнинг бир шеърини ўқиб қолдим. Ўзбек номини тушуниш учун нималарни билиш кераклиги



хақида ёзибди. Яхши шеър! Қани энди, олимларимиз ҳам мана шундай катта ғояларнинг илмий талқинини берсалар».

Президентимиз ҳаққоний тарихни яратиш учун ҳали анча изланишлар, баҳс-мунозаралар лозимлигини, 20 мингта тарихий қўлёзмаларни замонавий ўзбек тилга таржима қилиш, чоп этишдан кейин ҳам қанчадан-қанча изланишлар, дунёнинг турли бурчакларидаги йиғилишларда ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиш, хато фикрлардан воз кечиш, мантиқий тўғри ва асосли бўлса рақиб хулосаларини тан олиш, умуман машаққатли, фидокорона меҳнат кутиб турганини яхши англаган холларида хулосада шундай дейдилар:

«Мақсад шуки, фанда бизнинг тарихий томирларимизни аниқлайдиган, миллий ғуруримизни юксалтирадиган янги йўналишлар пайдо бўлиши керак».

Эътибор беряписми, «янги йўналиш» ҳақида гап боряпти. Мана шу башорат, тўғрироғи дуонинг ҳосиласи менинг илмий-оммабоп, тарихий-бадий ушбу эссеmdir, балки.

Чунки Президентимиз айтганларидек:

–Бир сўз билан айтганда, давлатимиз, миллатимизнинг ҳаққоний илмий тарихини яратиш кенг жамоатчилигимиз учун ғоят муҳим ва долзарб масалага айланиши лозим» (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат, «Мулоқот» журнали 1998 йил 5-сон).

Мен ҳам ана шу жамоатчиликнинг бир вакили, эркин фуқаролик жамиятини кураётган, демократик тамойилларни бош мақсад қилган ўзбек миллатининг эркин фикровчи бир фарзандиман.

Асарим баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Ушбу асарнинг ёзилишидан яна бир мақсад: Қадимги дунё тарихи фанидан Марказий Осиёлик тарихчи

олимлар, ҳозирча, А.Беруний, М.Кошғарий, М.Улуғбек, А.Баҳодирхон учун саҳифа талаб қилишдир.

Минг йил аввал яшаган ўзбек олими А.Беруний дунёдаги биринчи глобусни яратган, астрономияни яхши билган, шоир айтганидек, «ақл машъали» билан Америка китъаси мавжудлигини аниқлаб берган. А.Беруний Нух алайҳиссалом тўфони бўлган вақтни ҳисоб китоб қилиб берган ва бу муддат ҳозирги пайтда 5115 йилни ташкил этади.

М.Кошғарий эса туркларнинг шоҳи Алп Эр Тўнганинг милоддан анча олдин Яқин Шарқ мамлакатларини забт этганлиги ҳақидаги маълумотларни қолдирган.

Мирзо Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхонлар туркий халқларнинг бобоси Ўғизхон бундан 4800 йил аввал яшаганлиги, у дунёнинг Фарбу-Шарқини биринчи бўлиб жангу-жадал билан олганлигини етказишган.

Ўғизхон номи изсиз кетгани йўқ. Унинг авлодлари ҳозирги кунда ҳам Евроосиё халқлари таркибида яшамоқдалар, ўғизлар билан боғлиқ этнонимлар, гидронимлар, топонимлар жуда кўп.

Фарбда ҳам, Шарқда ҳам насл-насаб суриштирилган. Мен айтаётган тўрт кишининг барчаси қадимги подшоҳ Ўғизхонга бориб такалади, учтасининг насаби подшоликка бевосита алоқадор. Улардан иккитаси М.Улуғбек ва Абулғози Баҳодирхон ўз даврида, мамлакат подшоси бўлганлар, М.Кошғарийнинг отаси эса амир бўлган. Шунинг учун бу аслзодалар бировнинг манфаати дея, тарих ёзмаганлар. Улар тарихда сохта ном қозониш қанчалик катта гуноҳ эканлигини яхши тушунганлар.

Ўрта асрларда ҳозирги Ўзбекистонда жуда кўп диний, дунёвий олимлар етишиб чикди. Шулардан бирининг дунё фанига қўшган битта кашфиётини айтиб ўтай. Бу олимнинг исми Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/934> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/934> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно  
найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/934>